

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2019 йил ноябрь ойининг 29-куни жиноят ишлари бўйича Чироқчи туман судининг очик сайёр суд мажлиси Чироқчи тумани Қумдарё маҳалла фуқаролар йиғини худудидаги Чироқчи Саноат касб-ҳунар коллежи биносида бўлиб, раислик қилувчи судья Ў.Расулов, судья ёрдамчиси А.Байназаровнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Чироқчи туман прокурорининг ўринбосари Ф.Рахмонов ва судланувчиларнинг ҳимоячиси “Чироқчи ҳуқуқи” адвокатлик фирмаси адвокати Ш.Жўраевларнинг ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Чироқчи туман кенгаши раиси ўринбосари А.Умирзоқовнинг иштирокида, [REDACTED] ва [REDACTED] га оид 1-1814-1902/154-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Судда аниқланишича:

[REDACTED] - 2001 йил 20 июль куни Чироқчи туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, бўйдоқ, [REDACTED] 3-босқич талабаси, муқаддам судланмаган, партиясиз, давлат мукофотларини олмаган, Чироқчи тумани, “[REDACTED]” МФЙ, “[REDACTED]” қишлоғида яшайди, иш бўйича йилдан гаров эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосасининг нусхасини 2019 йил 22 ноябрь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбланган.

[REDACTED], 2001 йил 24 март куни Чироқчи туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, бўйдоқ, Чироқчи туманидаги [REDACTED] умумий ўрта таълим мактабининг [REDACTED] ўқувчиси, муқаддам судланмаган, партиясиз, давлат мукофотларини олмаган, Чироқчи тумани, “[REDACTED]” МФЙ, “[REDACTED]” қишлоғида яшайди, иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосасининг нусхасини 2019 йил 22 ноябрь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд судланувчилар, жабрланувчилар, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини ҳамда томонлар музокарасини тинглаб, жиноят иши хужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

_____ ва _____ бир қишлоқда яшаб келгани ҳолда ўзаро олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳга бирлашиб, шундан _____ ушбу гуруҳга раҳбарлик қилиб, 2019 йил 27 август куни соат 13-00 ларда Чироқчи тумани “_____” МФЙ _____ қишлоғида яшовчи _____ нинг ҳовлисидаги автогаражига яширин равишда кириб, _____ га тегишли бўлган яъни ўзганинг мол-мулки ҳисобланган 1-дона 50 литр сиғимдаги 280.000 сўмлик бозор нархидаги газ баллонини яширин равишда ўғирлаш йўли билан талон-торож қилишган ва фуқаро _____ га 280.000 сўмга сотган, улар ўзларининг бу ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “в” бандидаги жиноятни содир қилган.

Улар, ўзларининг жиноий ҳаракатларини такроран давом эттириб, шу куни соат 15-00 ларда Чироқчи тумани “_____” МФЙ _____ қишлоғида яшовчи _____ нинг сим сетка билан ураб олинган уйига эшиги орқали яширин равишда киришиб, унинг уйидаги фуқаро _____ қизига тегишли бўлган яъни ўзганинг мол-мулки ҳисобланган 1-дона 50 литр сиғимдаги 250.000 сўмлик бозор нархидаги газ баллонини яширин равишда ўғирлаш йўли билан талон-торож қилишган ва фуқаро _____ га 250.000 сўмга сотган, улар ўзларининг бу ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” бандидаги жиноятни содир қилган.

Судланувчи _____ судда, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, у 2019 йилнинг 26 август куни _____ билан кўришиб қолиб, у билан суҳбатлашганида у унга “Нексия” русумли автомашинаси билан бирор нарса олиб-сотиб пул топмаймизми деб, айтганини ва у ҳам унинг таклифига рози бўлганини, 2019 йилнинг 27 август куни соат 13⁰⁰ ларда фуқаро _____ га тегишли бўлган “Нексия” автомашинасини бошқариб _____ билан Чироқчи тумани “Зум” МФЙ, Зум қишлоғидан _____ нинг уйини олдидадан ўтиб кетаётганларида, _____ нинг автогаражини ичида бир дона қизил рангли 50 литр сиғимга эга бўлган бир дона пропан газ баллон турганлигини кўриб, _____ нинг уйини олдидаги автомашинасини тўхтатганини ва _____ нинг уйдан уй эгасини чақирганини ва шу вақтида кейинчалик унга маълум бўлган 2006 йилда туғилган вояга етмаган _____ уйдан чиқиб келганини ва унга _____ автомашинани суви қайнаб кетганлигини, шу сабабли автомашинага бир пақир сув олиб чиқиб беришини илтимос қилганини, _____ нинг илтимосини бажариш учун яшаш уйига кириб кетганидан фойдаланиб унинг уйининг ёнидаги автогаражининг ичида турган бир дона пропан газ баллонни бир ўзи автомашинани орқа салонга ортиб олганидан сўнг, Оқтунли қишлоғига келиб ва у ерда _____ га бир дона газ баллонини ўзларига тегишли эканлигини айтиб, унга 280 минг сўмга

сотганини ва пулларни [REDACTED] билан бирга 140 минг сўмдан бўлиб олганини, 2019 йилнинг 27 август куни соат 15-00 ларда “[REDACTED]” МФЙ, [REDACTED] қишлоғида яшовчи [REDACTED]нинг уйини олдидан ўтиб кетаётганида унинг уйини орқасида атрофи сим сетка билан ўраб олинган жойда бир дона рангли қизил 50 литр сиғимдаги пропан газ баллонни турганлигини кўриб қолиб, ушбу газ баллонни ҳам ўғирлаб кетиш мақсадида йўлнинг четига автомашинани бошқариб тўхтатиб, шундан сўнг [REDACTED] билан йўлни четида туриб, 30 дақиқалар атрофни кузатиб, кун иссиқ ва туш вақтида бўлганлиги сабабли кўчада бирор киши кўринмаганлигига ишонч ҳосил қилганларидан сўнг [REDACTED]ни уйини ичида турган бир дона газ баллонни [REDACTED] билан биргаликда ҳеч кимга билдирмасдан, автомашинани орқа салонига ортиб олиб кетиб, 28 август куни соат 11-00 ларда [REDACTED] билан бир дона газ баллонни яна Оқтунли қишлоғида яшовчи [REDACTED]га бир дона газ баллонни ўзларига тегишли эканлигини айтиб, унга 250 минг сўмга сотганини, пулларни [REDACTED] билан бирга 125 минг сўмдан бўлиб олганини, пулларни ўзларининг эҳтиёжлари учун ишлатиб юборганликларини, ҳозирда жабрланувчилар ва фуқаровий даъвогардан кечирим сўраб, уларга зарарларини тўлиқ қоплаб берганликларини, келгусида қайтиб бундай жиноятларга қўл урмаслигини баён қилиб, суддан енгиллик беришни сўради.

Судланувчи [REDACTED] ҳам судда, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, содир этилган жиноят тафсилотлари ҳақида худди шериги [REDACTED]нинг кўрсатувиغا ўхшаш мазмунда кўрсатув бериб, мактаб ўқувчиси эканлигини, [REDACTED]ни ёшлигидан буён танишини, [REDACTED] билан биргаликда ушбу жиноятга оқибатини ўйламасдан қўл уриб қўйганлигини, эндиликда содир этган жиноятининг аҳамиятини тўлиқ тушуниб етганлигини ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, жабрланувчилар ва фуқаровий даъвогардан кечирим сўраб, уларга етказилган зарарларни тўлиқ қоплаб берганликларини, келгусида қайтиб бундай жиноятларга қўл урмаслигини баён қилиб, суддан енгиллик беришни сўради.

Жабрланувчи [REDACTED] судда, у 2019 йилнинг 27 август куни соат 13³⁵ ларда қишлоғида жойлашган 96-сонли умумий ўрта таълим мактабига дарс машғулотларини ўтаётганида, унга 2006 йилда туғилган вояга етмаган ўғли [REDACTED] кўнғироқ қилиб, у унга автогаражда турган қизил рангли 50 литр сиғимга эга бўлган бир дона пропан газ баллонни номаълум шахслар ўғирлаб кетганлигини, уни қуйган жойидан топа олмаётганлигини, лекин яшаш уйини олдида икки нафар фуқаролар “Нексия” русумли автомашинасини бошқариб келиб, улардан сув сўраганлигини, у сувни уларга олиб чиққунига қадар автомашинаси билан номаълум томонга кетиб қолганлигини, шундан сўнг газ баллонга қараганида газ баллонини топа олмаганлигини айтганини, кейин шу вақтнинг ўзида яшаш уйига келганида ҳақиқатдан ҳам автогаражида бир дона 50 литр сиғимдаги бўш газ баллон турган жойида йўқлигини кўрганлигини ва ёрдамчи хўжалиги бўлган бир нечта хоналарни қидириб газ баллонини топ олмаганини, шундан сўнг ўзи автомашина билан икки нафар номаълум шахсларни икки кун давомида қидириб топа олмаганидан сўнг туман ИИБ га ариза билан мурожаат қилганини, ҳозирги кунда бир дона 50 литр сиғимдаги газ

баллонини ИИБ ходимларидан тилхат асосида қайтариб олганини, унга ушбу жиноят оқибатида жами 500 минг сўм миқдорда маънавий зарар етказилганини шу сабабли айбдор шахслардан ушбу зарарларини ундириб беришни сўрашлигини ва судланувчиларга қилмишига яраша жазо беришни сўради.

Жабрланувчи [REDACTED] судда, 2019 йилнинг 27 август куни соат 9³⁰ ларда яшаш уйида бир дона ранги қизил 50 литр сиғимга эга бўлган пропан газ баллонни гази қолмаганлиги сабабли, уни қишлоғида жойлашган газ қуйиш шаҳобчасига олиб бориб бериб, уни тўлдириб олиб келиши учун олиб борганини, лекин шу куни газ қуйиш шаҳобчаси ишламаганлиги сабабли, у газ баллонни [REDACTED]нинг уйига бориб унинг турмуш ўртоғи “Озода” билан суҳбатлашиб, бир дона газ баллонни Озоданинг ошхонасининг орқа томонига қолдириб яшаш уйига қайтиб кетганини, эртаси куни яъни, 2019 йилнинг 28 август куни соат 9³⁰ ларда Озода унга қўнғироқ қилиб, “газ баллонни олиб кетдингизми? , жойида йўқ экан” деб айтганини, шундан сўнг Озодага газ баллонни олиб кетмаганлигини уни бир кун олдин ўзига қолдириб кетганлигини айтганини, шундан сўнг Озода билан газ баллонни қидириб топа олмаганидан сўнг туман ИИБ га бир дона газ баллонини номаълум шахслар ўғирлаб кетганлиги ҳақида ариза билан мурожаат қилганини ва шундан сўнг, туман ИИБ ходимлари бир дона газ баллонини ўғирлаб кетган шахсларни аниқлаб, улардан бир дона газ баллонини қайтариб олиб беришганини, жиноят оқибатида етказилган зарарлар ҳозирги кунда тўлиқ қопланганини, [REDACTED] ва [REDACTED] ўз қилмишларига чин кўнғилдан пушаймон бўлиб, ундан кечирим сўраганлиги учун уларни кечирганини, уларга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, суддан уларга нисбатан қонуний енгиллик қилишни сўрашлигини баён қилди.

Фукаровий даъвогар [REDACTED] судда, у 2019 йилнинг 27 август куни соат 14-00 ларда яшаш уйида турган вақтида уйига қишлоқдошлари [REDACTED] билан [REDACTED] келиб унга бир дона ранги қизил 50 литр сиғимга эга бўлган газ баллонни ўзларига тегишли эканлигини, у сотгани олиб келганлигини айтганини, шундан сўнг [REDACTED] билан [REDACTED] олиб келган газ баллонни кўриб, улар билан савдолашиб 280 минг сўмга сотиб олиб қолганини, эртаси куни яъни, 28 август куни соат 11-00 ларда [REDACTED] билан [REDACTED] иккаласи яна яшаш уйига келиб, улар унга яна бир дона 50 литр сиғимга эга бўлган бир дона газ баллонни олиб келганини, улар газ баллонни ўзларига тегишли эканлигини айтганини ва уларга ишонгани учун улар билан савдолашиб иккинчи газ баллонни 250 минг сўмга сотиб олиб қолганини, 2019 йил 29 август куни уйига ИИБ ходимлари келиб [REDACTED] ва [REDACTED]лардан сотиб олиб қолган газ баллонлари ўғирланган эканлигини айтганини, у шундан сўнг газ баллонлар ўғирланган эканлигини билганини ва ушбу икки дона газ баллонларини ИИБ ходимлари хужжатлаштириб олиб кетганини, жиноят оқибатида етказилган зарарлар ҳозирги кунда тўлиқ қопланганини, [REDACTED] ва [REDACTED] ўз қилмишларига чин кўнғилдан пушаймон бўлиб, ундан кечирим сўраганлиги учун уларни кечирганини, уларга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, суддан уларга нисбатан қонуний енгиллик қилишни сўрашлигини баён қилди.

Гувоҳ [REDACTED] судда, ҳозирда [REDACTED] МФЙ раиси лавозимида ишлашини, [REDACTED] ва [REDACTED] лар унинг ҳамқишлоғи бўлишини, улар билан ўрталарида ҳеч қандай шахсий адовати йўқлигини, уларни МФЙ раиси сифатида яхши танишини, улар мавсумий ишлар билан шуғулланиб келишини, уларнинг иккаласи ҳам отасиз катта бўлганликларини, оналари оилада боқувчи бўлиб, шу сабабли фарзандларининг тарбиясига кўп ҳам эътибор бера олмаганлигини, [REDACTED] ва [REDACTED] лар қишлоқда ишлаб пул топиб юрганлигидан хабари бўлганлигини, 2019 йил сентябрь ойини бошларида ўз ишлари билан юрганида маҳалласида яшовчи фуқаро [REDACTED] ва [REDACTED] 2019 йил 27 август куни [REDACTED] МФЙ [REDACTED] қишлоғидан икки дона газ боллони ўғирлаганини туман ИИО ФМБ ходимларидан эшитганини, кейин бу ҳақда [REDACTED] ва [REDACTED] ларни ўзидан ҳам сўраганида улар ҳақиқатдан ҳам шу жиноятларни содир қилганлигини тан олиб айтиб берганлигини, ҳозирда ушбу газ баллонларни эгаларига қайтариб бериб уларга етказилган барча зарарларни тўлиқ қоплаб берганлигини, [REDACTED] ва [REDACTED] ларнинг тарбияси билан бундан кейин маҳалла фаоллари билан биргаликда қаттиқ шуғулланишини ва уларнинг бундан кейин жиноят содир қилмаслиги учун маҳалланинг назоратига олишини баён қилиб, суддан уларнинг ёшлигини, коллеж ва мактаб ўқувчиси эканликларини инобатга олиб енгилроқ жазо тайинлашни сўради.

Судланувчи [REDACTED] ва [REDACTED] ларнинг содир қилган жиноятлари, юқоридаги кўрсатувлардан ташқари, жиноят ишидаги:

гувоҳ [REDACTED] ва [REDACTED] ларнинг судда ўқиб эшиттирилган дастлабки терговдаги кўрсатувлари (иш/в.86-88, 99-101);

Фуқаро [REDACTED] ва [REDACTED] ларнинг аризалари (иш/в. 4-5);

Воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси, воқеа жойи чизмаси ва фотосуратлари (иш/в. 6-20);

Нарсани олиш ҳақидаги баённомалар (иш/в. 21-22);

Нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш ҳақида қарор (иш/в. 40);

Дастлабки тушунтириш хатлари, маълумотномалар, фотосуратлар ҳамда бошқа далиллар билан исботланган.

Суд иш ҳолатларини муҳокама қилиб, судланувчиларнинг содир этган жиноятлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди ҳамда уларга жазо тайинлашда қуйидагиларга эътибор қаратишни лозим топди яъни,

- судланувчи [REDACTED] га жазо тайинлашда, унинг айбига иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, жинояти оқибатида етказилган зарарларни тўлиқ қоплаганлигини, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар томоннинг унга нисбатан даъвоси йўқлигини жазони енгиллаштирувчи ҳамда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб топиб, оилавий шароити ва моддий аҳволини, коллеж ўқувчиси эканлигини инобатга олиб, жамиятдан ажратмаган ҳолда ҳам уни ахлоқан тарбиялаш мумкин деган қатъий фикрга келиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда унга жиноий ҳаракати квалификация қилинган модда санкциясида назарда тутилмаган бошқа енгилроқ, яъни озодликни чеклаш жазосини тайинлашни;

- судланувчи [REDACTED]га жазо тайинлашда, унинг айбига иқроғлигини, қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, жинояти оқибатида етказилган зарарларни тўлиқ қоплаганлигини, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар томоннинг унга нисбатан даъвоси йўқлигини жазони енгиллаштирувчи ҳамда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб топиб, унинг оилавий шароитини, моддий аҳволини, мактаб ўқувчиси эканлигини инобатга олиб, жамиятдан ажратмаган ҳолда ҳам уни ахлоқан тарбиялаш мумкин деган қатъий фикрга келиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда унга жиноий ҳаракати квалификация қилинган модда санкциясида назарда тутилмаган бошқа енгилроқ, яъни озодликни чеклаш жазосини тайинлашни лозим топди.

Бундан ташқари суд, жабрланувчи [REDACTED]нинг судланувчилардан 500.000 сўм маънавий зарар ундириб бериш ҳақидаги даъвосини қаноатлантириб, судланувчилардан солидар тартибда унинг фойдасига жиноят оқибатида етказилган маънавий зарар учун 500.000 сўм ундиришни ва иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган икки дона газ баллонларни жабрланувчи [REDACTED] ва [REDACTED]ларга тилхат орқали қайтарилганлигини инобатга олишни лозим топди.

Шунингдек суд, жиноят оқибатида етказилган зарарлар жабрланувчи [REDACTED] ва фуқаровий даъвогар [REDACTED]ларга тўлиқ қопланганлигини ҳамда жабрланувчи [REDACTED] ва фуқаровий даъвогар [REDACTED]нинг зарарни ундириш борасида даъвоси йўқлигини инобатга олишни лозим тонди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462-464, 465-468 ва 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

ҲУКМ ҚИЛАДИ :

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбли деб топилсин.

[REDACTED]га нисбатан:

- Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб 2 (икки) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

[REDACTED]нинг кеч соат 22:00дан, эрталаб соат 06:00га қадар ўз яшаш жойидан чиқиши чеклансин.

[REDACTED]нинг зиммасига:

- назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш ҳамда иш жойини ўзгартирмаслик;

- назорат қилувчи органнинг розилигисиз Чирокчи тумани ҳудудидан четга чиқмаслик каби қўшимча тақиқ (чеклаш)лар юклансин.

Жазонинг ижро этилишини назорат қилиш Чирокчи туман ИИО ФМБ зиммасига юклатилсин ва жазо муддати маҳкум ҳисобга олинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

[REDACTED]га нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва Қашқадарё вилоят ИИБнинг депозит ҳисоб рақамида

